

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2020-12

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2020

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нағмет Қаллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Қодиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотшов Гойитназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№12(69), Хоразм Маъмун академияси, 2020 й. – 319 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2020

ТАРИХ ФАҢЛАРИ

Агаров G.N. History of the development of the textile industry and textile production	109
Айтмуратов Ж. Эл оғаси Қаллибек Камаловнинг қорақалпоғистон маданияти тараққиётига қўшган хиссаси	110
Жайнаров О.Х. Туркистонда совет тоталитар тузумининг мустақамланишида инқилобий трибуналларнинг ўрни	115
Карлыбаев М.А. Каракалпакские представители тарикатов	118
Мансуров М.Ш. Туризм ривожда инсон психологиясининг ўрни ва аҳамияти	121
Мирзаев Б. Хоразмлик муҳаддис Абу Бакр Барқонийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	124
Рахманова Ю.М. Хоразм аёлларининг бош кийими - лачак	126
Тошбоев Ф.Э. Чорвадор аҳолининг тақвимга оид билимлари ҳақида айрим мулоҳазалар	129
Тураева С.Р. Захириддин Муҳаммад Бобур кўшинининг тузилиши	132
Холбекова М.У. Имконияти чекланган шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ижтимоий ривожланишнинг муҳим омил сифатида	136
Холиқулова Ҳ.Ю. Ўзбекистонда ногиронлар спортини ривожлантириш масалалари	139
Хўжамуратов У. Ўзбекистонда аграр соҳада колхоз ва совхоз тизимининг инқирозга учраши	143
Ҳаётова Н.З. Бухоро шаҳрида ижтимоий инфраструктуранинг шаҳарсозлик тараққиётига таъсири	148
Хусанбекова Г.М. 1925-1930-йилларда Хоразмда диний меросга бўлган муносабат	153
Якубов А.С. Синкретизм оседлой и кочевой жизни в Хорезме	156

ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ

Artikova M.M. An effective solution to the problems of mental independence of students in a foreign language	159
Bozorova M.A. The role of interactive methods in the university	161
Idiyeva L.I. Peculiarities of the origin of proverbs and sayings and their primary sources	163
Jabborova N.Kh. Distance English language learning in water and agricultural universities	165
Kilicheva F.B. Rus tilini o'qitishda kommunikativ sifatlarni shakllantirish va ulardan foydalanish	166
Makhamadalieva N.B. Some features of linguistic tolerance in political speech	167
Mirxanov M.S. Role of russian folk tales in the speech development of children	169
Nazarov P.Dj., Abduraxmanov S.M. Chet tillarni o'rganishda leksik derivatsiyalardan foydalanish	171
Nazarova Z.K. Teaching listening through reading	173
Polvanova M.F. "Integrated vocabulary" as a base for improving writing skills through applying phraseological units	175
Sagatova Sh.B. Language game as a linguistic and philosophical phenomenon in science	177
Qodirova G.M. Milliy uyg'onish davri adabiyotshunosligida poetik turkumlarning mavzu ko'lam va badiiyati	179
Rasulova M.A. Competences in teaching foreign languages	182
Safarova Z.R. Development and formation of media-competence in teaching foreign languages	183
Saipova M.T. Fransuz tili darslarida didaktik o'yinlardan samarali foydalanish	186
Sariev A.B. Stages of work on a project in the learning process	187
Shadieva D.K. O'zbekistonning zamonaviy axborot vositalarida nutq standartlari va til meyyorlari dinamikasi	189
Sharapova G.Sh. The analysis of the novel "Invisible man" by Ralph Ellison	191
Yakubova Sh.M. O'zbek va nemis tilidagi maqollarning qiyosiy tahlili	193
Yo'ldosheva M.B. Chet tilini o'qitishda neuro-lingvistik dasturlash: ko'zni skanerlash modelining ahamiyati	194
Абдуллаева М.Х. Ўзбек халқ топишмоқларининг рус халқ топишмоқлари билан лингвокультурологик алоқаси	196
Амонова З.Қ., Нафетдинова З.Ш. Насимий ва Навоий ижодида кўнгил талқини	198
Атажанов С. Эркин Самандар романларида маталларнинг ишлатилиш тамойиллари	201
Ахмедова З.Ж. Шарқ адабиётида "Минг бир кеча" мотивлари	204
Джумаева Н. Инглиз ва ўзбек эртақларида вазифадош сеҳрли предметлар образи	206
Жалилова Л.Ж., Ражабов А.У. Тип среднего американца в американских сатирических новеллах Дж Тербера	210
Ибодуллаева Г.Ж. Динамика речевых норм и особенности языка в современных текстах СМИ Узбекистана	212
Идиева Л.И. Семантические критерии в полисемии и омонимии	214
Икромов М.Б. Эффективность игр при изучении иностранного языка	216
Қодирова М.Т. Инглиз ва ўзбек тилларида мурожаат бирликларининг лисоний хусусиятлари	218
Қурбонова С.М. Лингвистик прагматиканинг долзарб масалалари	220
Мухаммедова Х. Элизабет Гаскелл ижодида ижтимоий психологик роман хусусиятлари	222
Ражабов А.У. Традиционные приемы классического детектива в романе Дэна Брауна «Ангелы и демоны»	223
Рўзимбоев С.Р., Рўзимбоев С.С., Атаханова В.Р. Омон Матжоннинг лисоний маҳорати	225
Сададдинов Б.С. Ошиқ Эркин шеърларида жуфт, такрорий ва қўшма сўзларнинг услубий хусусиятлари	230
Салишева З. Ўзбек тили машғулотида интерфаол методлар таълим самарадорлигини оширувчи омил сифатида	233

Баҳром ислом динини қабул қилгач “Неъмат ва Наима” ҳикоятини сўзлаб беради ва ўлимдан озод этилади. Шунингдек, бу эртақда малика Маржона, Хотам савдогар, Хажжожо зolim тимсоллари ҳам мавжуд. Отаси Камаруззамонга хиёнат қилганликда айбланган Анжад билан Асад хазинабон томонидан ўлдирилиши лозим бўлганда Навоийнинг “Икки вафоли ёр” ҳикоятидаги ҳолат такрорланади. Бу аҳволни кўрган хазинабон ғамга мубтало бўлиб турганда минг тиллали оти қочиб тўқайга қиради. Хазинабон тўқайда шерга ем бўлишига озгина қолганда ака-ука Анжад билан Асад уни қутқариб қолади ва хазинабон уларни озод қилади, ўзга юртларга кетишини илтимос қилади.

Демак, хулоса сифатида шунини айтиш зарурки, “Минг бир кеча” даги Баҳром образи бадиий тафаккурининг дастлабки даврларида яратилган бўлиб, у қадар фаол шох тимсоли сифатида талкин этилмаган. Унинг сюжет тизимидаги суёт фаолияти, характеридаги ибтидоий белгиларнинг етакчилиги, ҳатто маъжусийлар шoхи сифатида намоён бўлиши Навоий талқинидаги Баҳромдан тубдан фарқ қилади. “Минг бир кеча” даги Баҳром зolim, ўзгаларга жабр қилувчи, оташпарастрлар шoхи сифатида талкин этилади. Унинг ислом динини қабул қилгач ўлимдан озод этилиши эртақ ичидаги эртақнинг сюжетига хотима вазифасини ўтайди. Алишер Навоий яратган Баҳром эса даврлар ўтиши билан сайқаллашиб, шох сифатида маълум бир ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлган тимсол образ, ёвузлик тимсоли сифатида акс эттирилади. Ниҳоят худо ва табиат томонидан Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий каби салафларнинг ижодий анъаналарига риоя қилган. Дастлаб, Баҳром адолатпарвар, юртпарвар шох сифатида талкин қилинса-да, “Сабъан сайёр” сўнггида у раҳм-шафқатсиз, зolim, майга ва овга муқкасидан кетган, айш-ишратга берилган, давлат ишларини унутган образ, ёвузлик тимсоли сифатида акс эттирилади. Ниҳоят худо ва табиат томонидан Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий каби салафларнинг ижодий анъаналарига риоя қилган. Дастлаб, Баҳром адолатпарвар, юртпарвар шох сифатида талкин қилинса-да, “Сабъан сайёр” сўнггида у раҳм-шафқатсиз, зolim, майга ва овга муқкасидан кетган, айш-ишратга берилган, давлат ишларини унутган образ, ёвузлик тимсоли сифатида акс эттирилади. Ниҳоят худо ва табиат томонидан Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий каби салафларнинг ижодий анъаналарига риоя қилган. Дастлаб, Баҳром адолатпарвар, юртпарвар шох сифатида талкин қилинса-да, “Сабъан сайёр” даги Баҳром дастлаб адолатпарвар шох бўлса, асар сўнггида у шафқатсиз ҳукмдорга, “Минг бир кеча” даги Баҳром эса зolim маъжусийлар шохидан ислом динини қабул қилган мўмин-муслмонга айланади. Навоий шундай ёзади:

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузук мулкни обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,
Мўмини зolim ани барбод этиб...

Навоий зolim ва жоҳил подшолар жаҳолат йўлидан қайтиб одил бўлишлари мумкин деб ўйлайди. Агар адолатсизлик қилиб халққа жабр-зулм етказсалар албатта жазога гирифтор бўлишларини таъкидлаб, замонасининг подшоларини халқпарвар ва адолатли бўлишга ундайди. Шоир ўз асарларида юрт тинчлигини, халқ осойишталигини орзу қилади. Идеаллаштирилган шох Искандар сиймосини яратади. Навоий асарларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, юрт бошлиғи ўз халқининг манфаатларини химоя қилиши ниҳоятда муҳим масаладир. Чунки халқ манфаатлари химояланган юрт иктисодий ва маънавий жиҳатдан гуллаб-яшнайдди, юксак даражада тараққий этади. Бу жиҳатдан Навоий гоъялари ҳамон ҳаётбахш эканлигидан далолат беради.

“Минг бир кеча” даги маҳобатли ёдгорликнинг Шарқ адабиётига, хусусан ўзбек адабиётига таъсири ниҳоятда каттадир. Бу асар таъсирида нафақат халқ оғзаки ижоди бойи борган, балки кўпгина халқларнинг ёзма адабиёти ҳам ривожланиб сайқаллашиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каскабасов С. Қазықтын халық прозаси. -Алмата. Тилылым. 1984.-Стр 226
2. Фирдавсий. Шоҳнома. Тошкент, 1975, 8-бет.
3. Жўраев М., Назиркулова М. Минф, фольклор ва адабиёт. Тошкент, 2006, 93-бет.
4. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Тошкент, 1980, 9-бет.
5. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. МАТ. 16-том. Тошкент, 2000, 197-бет.
6. Эргашев Қ. “Тарихи мулуки Ажам” да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик талқин.// Ўзбек тили ва адабиёти// 2006, 5-сон.
7. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. МАТ. 16-том. Тошкент, 2000, 112-бет.
8. Имомназаров М. Саккиз само гулбоғлари. Тўққиз само юлдузлари. Тошкент, 1989, 208-бет.
9. Минг бир кеча. Подшоҳ Умар ибн Нўъмон, унинг Шаррикон ва Зуулмакон номли ўғиллари ҳикояси. 2-жилд. Тошкент, 1960, 2-бет.
10. Минг бир кеча. Анжад билан Асад. 3-жилд. Тошкент, 1960, 225-бет.

УЎК: 82.0

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА ВАЗИФАДОШ СЕХРЛИ ПРЕДМЕТЛАР ОБРАЗИ

Н. Джумаева, катта ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Сеҳрли предметларнинг эртақлардаги иштироки сеҳрли фантастик эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги вазифадош сеҳрли предметлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: фольклор, сеҳрли-фантастик эртақлар, сеҳрли предметлар, сеҳрли қилич, сеҳрли узук, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли мевалар, сеҳрли ўсимликлар, сеҳрли ҳайвонлар, сеҳрли тўн.

Аннотация. *Привлечение магических предметов в сказках играет важную роль в определении природы волшебных сказок. В этой статье обсуждаются магические предметы, которые используются в одинаковых функциях в английских и узбекских народных сказках.*

Ключевые слова: *фольклор, волшебные сказки, волшебные предметы, волшебный меч, волшебное кольцо, волшебная шапка, волшебные фрукты, волшебные растения, волшебные животные, волшебное пальто.*

Abstract. *The existence of magic items in fairy tales plays an important role in defining the nature of fairy tales. This article discusses magic items that are used in similar functions in both English and Uzbek fairy tales.*

Key words: *folklore, fairy tales, magic items, magic sword, magic ring, magic cap, magic fruits, magic plants, magic animals, magic coat.*

Сеҳрли фантастик эртақлар эртақларнинг алоҳида турини ташкил қилади. Хусусан, сеҳрли предметларнинг иштироки бундай эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ғаройиб хусусиятли предметлар каторига сеҳрли узук, очил дастурхон, кайнар хумча, ур тўқмоқ, учар гилам, кийса кўринмас холга эврилтирадиган қалпоқ ёки тўн, еса яшартирадиган ёки соғайтирадиган, ҳатто ўлдириши мумкин бўлган олма, сеҳрли қилич ва хоказоларни мисол қилиш мумкин. Қизғи шундаки, номи кўрсатилган бундай ғаройиб предметларни турли тизимли тилларда яратилган, ер юзининг турли ҳудудларида яшайдиган инглиз ва ўзбек эртақларида кўпинча вазифадош ҳолатларда кузатиш мумкин. Айниқса, қилич, узук, ур тўқмоқ, қалпоқ қабилар шулар жумласидандир. Бу предметлар инглиз ва ўзбек эртақларида тўлиқ вазифадошлик ҳосил қилса, юқорида номи кўрсатилган сеҳрли предметлардан айримлари инглиз ва ўзбек халқлари эртақларида уларнинг миллий менталитетидан келиб чиққан ҳолда учраши ва қўлланилиши кузатилади. Масалан, ўзбек халқида очил дастурхон образи очиб ёйилганда кўз очиб юмгунча турфа мазали таомларни ўзида муҳайё қилса, инглизларда бу хусусиятни сеҳрли стол ўзида намоён этади. Кўринадики, очил дастурхон ва сеҳрли стол эртақларида бир хил вазифада талкин қилинаётган эса-да, уларнинг шакли, номи турличадир.

Зотан, инглиз тилида *дастурхон* сўзи мавжуд эмас. Бу тилда дастурхон сўзи ўрнида скатерть (table cloth) сўзи ишлатилади. Чунки дастурхон ва скатерть овқатланишда ёйиладиган ва устига егулик ҳамда ичимликлар қўйиладиган турли предметлар ҳисобланади. Шунинг учун кўпинча инглиз тилидан ўзбек тилига ёки аксинча, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима жараёнида бу сўзларнинг бирини иккинчисининг ўрнида қўллайдилар. Аслида улар шакли, тайёрланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Айтайлик, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “дастурхон” сўзи учун қуйидаги изоҳ келтирилган:

Овқат қўйиладиган мато; унга қўйиладиган таомлар.

1. Ўртага ёзиб устига овқат қўйиладиган махсус мато, рўзгор буюми.[1]

“Table cloth” сўзи инглиз тили изоҳли луғатида қуйидагича изоҳланган:

A cloth for covering a table, especially at meals.[2]

Кўринадики, луғатда бу сўзга “асосан овқат вақтида стол устига ёйиладиган мато” деб таъриф берилган.

Изоҳлардан маълум бўладики, “дастурхон” ва “table cloth” сўзлари фақат вазифаси нуктаи назаридан яқиндир, ҳолос.

Шуларни инобатга олиб, тадқиқотчи Р. Қосимова “дастурхон” сўзини ўзбек тилидаги этнографизмлардан бири сифатида қараб, унинг инглиз тилидаги *table cloth* сўзига тўлиқ мувофиқ кела олмаслигини таъкидлаб ўтади.[3] Бироқ инглиз ва ўзбек тилларида ўхшаш номли ва вазифадош сеҳрли предметлар иштирокини қўллаб кузатиш мумкин. Жумладан, сеҳрли қилич образи шулардан биридир. Ўзбек эртақларида сеҳрли қилич кўпинча бир силтаганда 40 газга чўзилиши айтилиши билан унинг сеҳрли эканлигига урғу қаратилади ёхуд қахрамон жони унинг сеҳрли қиличида туриши айтилади. Инглиз эртақ ва афсоналарида ҳам сеҳрли қилич ёвуз душманларни махв этишда қахрамоннинг яқин қўмакчиси сифатида талкин қилинган. Инглиз фольклорига сеҳрли хусусиятларга эга қуроллар образи алоҳида эътиборни тортади. Улардан энг машҳури бу – сеҳрли қилич. Тўғри, у қиличдан фойдаланиб келган ҳар бир халқнинг фольклорига учрайди. Аммо қиёсланаётган халқлар фольклорига сеҳрли қилич образининг қадимги анимистик, магик ва фетишистик қарашлар асосида бир эмас, бир неча бадий вазифаларда талкин этилгани кўзга ташланадики, шуниси билан улар ўзига ҳослик касб этади. Айтайлик, инглиз фольклорига шох Артур ҳақида яратилган афсона ва эртақларнинг сюжетига жанг манзаралари кенг ўрин туганлиги боис уларда ўша давр учун асосий жанг қуролларидан ҳисобланган қилич образи марказий ўрин эгаллайди.

Артурни эпик тимсол даражасида тасвирлаш учун, хусусиятларини бўрттириш, идеаллаштириш мақсадида унга тегишли қилич – жанг қуроли сеҳрли тарзда акс эттирилади. Бошланишида Артурнинг қиличи тошга суқилган бўлади. Уни фақат Артургина тошдан суғуриб ола билади ва сеҳрли қиличнинг эгасига айланади. Бу билан жанг қуроли руҳан ўз эгасининг руҳи билан боғлиқ бўлиши тўғрисидаги қадимий анимистик қарашларга ишора сезилади. Бундай қараш излари ўзбек халқининг “Қиличботир”, “Қиличқора” сингари сеҳрли-фантастик эртақларида, “Алпомиш” дostonи сюжетига ҳам мужассамдир. Ўзбек қахрамонлик эпосининг энг қадимий ва муқаммал намунаси бўлмиш “Алпомиш”

достонида бош қахрамон Ҳақимбек бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонли ёй ёрдамида Алпомиш номини олади. Бу ёйни фақат Алпомишгина кўтара оларди.

Артурнинг ўзига ҳеч қим тош орасидан суғуриб ололмаган қилични тортиб олиши, Алпомишнинг эса бобосидан қолган ва ҳар қим кўтара олмайдиган ўн тўрт ботмонли парли ёйни ердан даст кўтариши, шунингдек, Гомернинг “Одиссея” достонида ҳам Одиссейнинг ҳеч қим қўлига олиш учун кучи етмаган ёйни кўтариши каби эпик сюжетлар замида қадимги инсонларнинг жанг қуролларининг ўз эгаси бўлиши, уларнинг руҳан бир-бирига боғланиши ҳақидаги қарашлари ўз аксини тошган.

Артурнинг қиличи тасвирланган айрим афсона вариантларида бу қиличнинг синиши ва Артур “Lady of the Lake”дан янги Экскалибур (Excalibur) қиличини олиши айtilади. Баъзан яна Экскалибур – бу ўша тошдаги қилич деб ҳам таъкидланади. Қилич ва унинг кини ўз эгасини ҳамisha жисмоний зарардан ҳимоя қилиши тасвирланади.

Артур афсоналарининг баъзи вариантларига қараганда, Артурга тегишли бешта сеҳрли қурол бўлгани таъкидланади. Булар:

- 1) Excalibur – Қирол Артурнинг сеҳрли жанг қиличи;
- 2) Clarent – Қирол Артурнинг тинчлик қиличи (у “the Coward's Blade” деб ҳам номланади. Бу қилични кейинчалик Мордред ўғирлайди ва шу билан Артурни ўлдиради);
- 3) Camwenan – Қирол Артурнинг ханжари;
- 4) Rhongomiant – Қирол Артурнинг найзаси;
- 5) Caliburn – Артур тошдан тортиб олган қилич.

Инглиз фольклорининг яна бир нодир дурдоналаридан бўлган “Beowulf” эпосида ҳам сеҳрли қилич образи учрайди. Бу қилич “Hunting” деб номланади. Унинг ёрдамида Беовульф Гренделнинг онасини қурашда енгади.

“Молли Вуппи” номли яна бир инглиз халқ эртагида ҳам сеҳрли қилич образи учрайди. Бу қилич бир девга тегишли бўлади. У девнинг куч-қудрати учта нарсада – қилич, ҳамён ва узукда мужассамлашган экан. Шунинг учун дев агар уларнинг бирортасидан айрилгудек бўлса, куч-қудратига ҳам зарар етарди. Бу мотив бевосита ўзбек халқининг “Қиличкара” ва “Қиличботир” эртакларида қахрамоннинг жони унинг қиличи билан боғлиқлиги мотивига ўхшашлиги билан эътиборни тортади.

“Молли Вуппи” эртагида девга тегишли сеҳрли қилич билан боғлиқ шундай парча учрайди: “The king said: “Well, Molly you are a clever girl, and you have managed well, but if you would manage better and go back and steal the giant's sword that hangs on the back of his bed, I would give your eldest sister my eldest son to marry.”[4]

Таржимаси: Қирол шундай деди: “Яхши, Молли сен ақлли қизсан ва сен уддаладинг, лекин сен бундан ҳам яхшироқ ҳаракат қилсанг ва девнинг кровати орқасида турган қиличини ўғирлаб келсанг, тўнғич ўғлимни тўнғич опанга уйлантираман”.

Шу гапдан сўнг Молли Вуппи девдан қилични тортиб олишга муяссар бўлади. Умуман айтганда, ўзбек фольклорига ҳам пичок, ханжар, қилич, шамшир, ўк-ёй, қайчи, болта сингари ғаройиб хусусиятли тигли предметлар образи ўзига хос ўрин тутаяди. Айтайлик, “Қилич ботир” ва “Қиличкара” эртакларининг ҳар иккаласида бош қахрамонларнинг жони уларга тегишли қиличда бўлиши, душман шу қилични қўлга киритиш орқали уларни енгишга ҳаракат қилиши ҳикоя қилинади. Айнан мана шу мотивни инглиз халқ эртаги “Молли Вуппи”да кўриш мумкин.

“Jack the giant killer” (“Жек девлар қушандаси”) номли инглиз халқ эртагида ҳам сеҳрли қилич образи учрайди. Жек икки бошли девларни ўз сеҳрли қиличи билан жангда маҳв этади. Эртақда бу қиличга “sword of sharpness”, яъни “ўткирлик қиличи” дея таъриф берилган. Чунки у ўткирликда тенги йўқ бўлиб, ҳар қандай душманни енга олган.

“Чайлд Роланд” эртагида ғаройиб предмет сифатида гавдалантирилган қилич бош қахрамоннинг отасидан ёдгорлик ҳисобланади. Уни қахрамоннинг қўлига онаси тутказар экан, аввал дуо-афсув ўқийди (сеҳрли сўз айтади). Бу ҳам қиличнинг сеҳрлилик қучини янада оширади. Қиличнинг муҳим сирли хусусияти шунда эдики, у ўз эгасини доим ғалабага олиб борарди ва уни қўлига олиб қурашган киши ҳеч қачон енгилмади. Бу сеҳрли қилич ёрдамида Чайлд Роланд Элфланд кироли билан қурашади ва уни енгиб, сингисини қутқаради.

“St. George of Merry England” эртагида эса қахрамон теккан нарсасини кесишга қодир Аскалон номли сеҳрли қиличи ёрдамида Миср маликаси Сабияни тутқунликда тутиб турган баҳайбат аждрҳони енгади ва қизни қутқаради. Бу қилични у ёвуз сеҳргардан олган бўлади.[5]

Ўзбек халқ эртакларидан “Олов полвон” ва “Заҳарли қилич” эртакларида ҳам қиличнинг образлантирилгани кузатилади. “Олов полвон” эртагида қахрамоннинг хоҳиши билан кинидан суғурилган қилич қирқ газ чўзилиб, ўз-ўзидан ҳаракатга келиб, рақиб қучлар бошини танасидан жудо қилади. “Заҳарли қилич” эртагида эса қилич қўз очиб юмгунча қирқ газ узайиб, душманни қулатади ва домга тортади. Бу эртаклардаги сеҳрли қиличнинг хусусиятлари инглиз халқ эртаклари билан қиёслаганда ўткир муболағали экани жиҳатидан фарқланади.

Сеҳрли пичок образи катнашган эртакларда унинг отадан кенжа ўғилга мерос қолдирилганлигига алоҳида ургу берилади. Қахрамон унга сеҳрли сўзлар билан мурожаат қилса, у инсон қиёфасида намоён бўлиб, қўз очиб юмгунча, ҳар қандай мушкул топширикни бир зумда адо

этади. Масалан, “Эрназар ва Кимоназар” эртагида пичокдан “мени ким қўлига олса, ўшанинг кулиман”, – деган садо чиқади ва у бир зумда қахрамоннинг истагини бажо келтиради. Бу мотив “Мудла панқуш” эртагида ҳам учрайди. “Чайлд Роланд” инглиз эртагида эса киличнинг отадан мерос бўлиб қолишини кўрдик. Демак, инглиз ва ўзбек эртақларида ғаройиб тигли предметлар тури фарқ қилса-да, мотивлар бир-бирига жуда яқиндир.

Сеҳрли узук образини ҳам инглиз ва ўзбек эртақлари сюжетинида кўп кузатиш мумкин. Ўзбек эртақшуноси З. Расулова сеҳрли узукнинг бадиий вазифаларини куйидагича гурухлаштиради: 1) эпик қахрамонга бахт инъом этиш воситаси; 2) эврилтириш, яъни эртақ қахрамонини бир кўринишдан бошқа шаклга айланттириш воситаси; 3) бир жойдан иккинчи жойга етказиб борувчи, яъни узукни яқин килувчи восита; 4) узукдаги вокеликлардан хабар берувчи, огоҳ этувчи ёки вокеликни ўзида акс эттириш кудратига эга тилсим предмет; 5) саховатли моддий таъминотчи; 6) бахт излаб сафарга чиққанларга ҳамроҳ ва мўъжизакор кўмакчи; 7) бунёдкор, қурувчи ва яратувчи 8) тилсимловчи ёки тилсимдан озод этувчи восита; 9) ўлим келтирувчи жоду қироли. [6]

Инглиз халқ эртақлари ва афсоналарида ҳам сеҳрли узук образи кўп учрайди. Масалан, юкорида номи тилга олинган “Молли Вуппи” эртагида “сеҳрли узук” девга тегишли бўлади. У девнинг бор куч-кудрати манбаси сифатида тасвирланган. Агар дев бу узукдан айрилгудек бўлса, куч-кудратидан ҳам айрилади. Шунин билан қахрамон киз Молли Вуппи девдан, аввало, ана шу сеҳрли узукни тортиб олишга ҳаракат қилади ва бунга муяссар бўлади. У шу тарика девни куч-кудратидан айириб, махв этишга эришади. [7] “Magic ring” (“Сеҳрли узук”) номида иккита инглиз халқ эртаги мавжуд бўлиб, уларда сеҳрли узук образи келтирилган. Қахрамон қилган яхши иши, эзгу амалининг мукофоти сифатида сеҳрли узукка эга бўлади. Аниқроғи, бир эртақда бош қахрамон илонни кутқаргани учун, иккинчисидан эса шохнинг қизини кутқариб қолгани туфайли сеҳрли узукни совға сифатида олади. Сўнгра шу сеҳрли узук ёрдамида ҳашаматли саройга, тўкин-сочин ҳаётга эришади.

Сеҳрли предметлардан яна бири сеҳрли қалпоқ бўлиб, у ўзбек халқ эртақларида кўпинча қийган кишини кўринмас ҳолга солиши айтилади. Инглиз халқ эртагида эса бу вазифани сеҳрли тўн бажаради. Масалан, “Jack the giant killer” эртагида бош қахрамон Жек кўринмас ҳолатга келтирадиган сеҳрли тўн (coat) ёрдамида ўз мақсадларига эришади. Худди шу эртақда сеҳрли қалпоқ (magic cap) образи ҳам қатнашган бўлиб, у билим ва ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади, яъни бош қахрамонга сўраган маълумотини айтиб бера олади. [8]

Ўзбек халқ эртаги “Ур тўкмоқ”даги қайнар хумча образи вазифасига қўра инглиз халқ эртаги “The Ass, the table and the stick” (“Эшак, стол ва таёқ”)даги сеҳрли эшак вазифасига яқин туради. Негаки, бу эшакнинг қулоғидан тортиганда олтин-қумуш тангалар тўкилади. Эшак худди қайнар хумча сингари туганмас бойлик етказувчи манбаи ҳисобланади.

Худди шу эртақдаги таёқ (stick) ҳам ур тўкмоқ билан бир вазифада, яъни ёмон одамларни жазолаш вазифасида келади. [9]

Инглизларнинг “Nix Nought Nothing” (“Ҳеч нарса”) номи эртагида рақибнинг йўлини тўсиш учун ишлатиладиган сирли буюмлар образи келтирилган. Унда “magic flask” (сеҳрли қолба, яъни шиша идиш) сувликни, “magic comb” (сеҳрли тароқ) қалин бутазорни, “hair dagger” (соч тўғноғичи) эса ўткир учли тўсиқларни ҳосил қилади. Ўзбек халқ эртақларида ҳам бундай мотивлар мавжуд. Жумладан, ўзбек эртақларида сеҳрли тароқ орқали орқама-орқа қувиб келаётган рақиб персонажнинг йўли қалин ўрмон ёки тўқайзор ҳосил қилиш орқали тўсилади. Сеҳрли предметлар образига эътибор қаратилса, уларнинг қуйидаги типлари мавжудлиги англашилади:

1. **Сеҳрли уй-рўзгор буюмлари:** очилдастурхон, сеҳрли стол, стул, эшик, дераза, духовка, мўри, ур тўкмоқ, хумча ёки қайнар хумча, сеҳрли пичок, сеҳрли қошиқ, сеҳрли идиш, сеҳрли шиша идиш, сеҳрли гилам, супурги.

2. **Сеҳрли қийим кечақлар:** сеҳрли қалпоқ, этик, бошмоқ, сеҳрли тўн ёки сеҳрли пальто.

3. **Ғаройиб озик-овқат ва ичимликлар:** нон, бўғирсок, сув ва ҳоказо.

4. **Сеҳрли мева ва сабзавотлар:** олма, шафтоли, олхўри ва ҳоказо.

5. **Сеҳрли ўсимликлар:** дарахтлар (олма дарахти, апельсин дарахти, ёнғоқ дарахти, наъматак бутаси, гуллар, ловия....

6. **Сеҳрли жой номлари:** боғлар, саройлар, ўрмонлар, тепаликлар, қиролликлар, шаҳарлар.

7. **Сеҳрли ҳайвонлар ва жонзотлар:** чиғаноқ, қийик, шер, айик, бўри тулки, бука, сигир, от, эшак, қурбақа, қурт, аждархо.

8. **Сеҳрли қуш ва паррандалар:** олтин ғоз, олтин тожли хўроз, сеҳрли тухум қўядиган товук, кабутар, булбулигўё, Анқо, Семург.

9. **Сеҳрли тақинчоқлар ва безак асбоблари:** узук, сочбоғ, тумор, ойна, тароқ, суртма, сеҳрли тамақдон, сеҳрли ҳамён.

10. **Сеҳрли қурол-яроғлар:** қилич, пичок, дубулға.

11. **Сеҳрли мусиқа асбоблари:** най, рубоб, доира, дудка, арфа, қарнай.

12. **Сеҳрли меҳнат қуроллари:** тегирмон, урчук, чарх, қайчи, арра, болта.

Эртақларда кўпинча эртанги кунлар, яъни халқнинг келажак ҳақидаги орзу-истаклари баёни кузатилади. Шунинг учун ундаги сеҳрли предметлар одамларнинг орзу-истакларини бадиий ифода этади. Масалан, учар этик, учар гилам, сеҳрли шиппак образлари одамларнинг узукни яқин қилиш, йўл

азобидан чўчиш, уни йўқотиш хақидаги орзу-истаклари асосида шаклланган бўлса, очилдастурхон қайнар хумча, сеҳрли узук қабилар тўқин-сочин турмуш, бой ва фаровон ҳаёт тўғрисидаги мақсад интилишларини ўзида намоён этади. Шунинг учун улар ҳар бир тилининг ўз сўз бойлигидан ўрин олган жумлалар билан аталган эса-да, вазифаси нуқтаи назаридан умуминсоний моҳият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, 2008. – Б.574.
2. Толковый словарь английского языка Oxford English. – М.: Oxford University Press, 2003. – С.486.
3. Қасимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографияларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – Б.119.
4. Jacobs J. English fairy tales. – London, 2005. – P.95.
5. Flora Anie Steel. English fairy tales. – London, 2005. – P.7.
6. Расулова З. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида “ғаройиб буюмлар” (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 2012. – Б.10.
7. Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – P.95.
8. Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – P.82.
9. Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – P.146.

УДК: 82-32:82-313.1(73) [19]

**ТИП СРЕДНЕГО АМЕРИКАНЦА В АМЕРИКАНСКИХ САТИРИЧЕСКИХ НОВЕЛЛАХ
ДЖ.ТЕРБЕРА**

Л.Ж. Жалилова, старший преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара
А.У. Ражабов, преподаватель, Бухарский филиал Ташкентского института инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара

Аннотация. Мақолада J.Terberning satirik romanlarida tasvirlangan oddiy amerikalikning qiyofasi o'rganilgan. Muallifning hikoyalari tahlil qilish olib borilgan, Terber ijodidagi asosiy mavzu ochib berilgan. Ushbu hikoyalarning asosiy xarakteri - "kichik odam" obrazi. Terberning fikriga ko'ra, yigirmanchi asrdagi hayot muammolarini oqilona va mantiqiy yechish mumkin emas, chunki yagona chiqish yo'li bu muammoni chetlab o'tish, odatda xayol yordamida va bu ishni ushbu hikoya qahramoni amalga oshiradi.

Калит со'злар: сатира, ҳазил, қисса, "kichik odam" obrazi, mentalitet, vatanparvarlik.

Аннотация. В статье рассматривается образ среднего американца изображенный в сатирических новеллах Дж.Тербера. Проведен анализ коротких рассказов автора, выявлена основная тема в творчестве Тербера. Главным героем данных новелл выступает образ «маленького человека». Так как по словам Тербера, проблемы жизни в двадцатом веке не могут быть решены рационально и логично, единственный выход - избежать, обходить проблему, обычно с помощью воображения, что и делает герой его рассказов.

Ключевые слова: сатира, юмор, новелла, образ «маленького человека», менталитет, патриотизм.

Abstract. This article deals with the image of the average American depicted in the satirical novellas by J. Thurber. The analysis of the author's short stories is carried out, the main theme in the work of Thurber is revealed. The main character of these short stories is the image of the "little man". Since, according to Thurber, the problems of life in the twentieth century cannot be solved rationally and logically, the only way out is to avoid, bypass the problem, usually with the help of imagination, which is what the hero of his stories does.

Key words: satire, humor, short story, the image of the "little man", mentality, patriotism.

Нет сомнений, что Джеймс Тербер (1894-1961) является выдающимся литературным юмористом двадцатого века. Уолтер Блэр, автор двух известных книг об американском юморе и многих других работ, дает Терберу самую высокую оценку среди своих современников, Перельмана, Бенчли и Уайта.[1.283] Оценивая комического гения как в кино, так и в литературе, Джесси Бир, автор пронизательного «Подъема и падения Американского юмора», ставит Тербера на второе место после Чарли Чаплина.[2.209] И Чарльз С. Холмс, безусловно, самый известный ученый творчества Тербера сказал: «it is by now a truism to say that James Thurber is the greatest American humorist since Mark Twain.»[3.] «Теперь уже можно сказать, что Джеймс Тербер - величайший американский юморист со времен Марка Твена». Поэтому удивительно, как мало творчество Тербера было изучено.

Джеймс Тербер- выдающийся американский литературный юморист двадцатого века, чье творчество охватывает два периода американского юмора: до и после Второй мировой войны. Довоенный юмор Тербера характеризуется разоблачением и опровержением традиционных ценностей: святости женщин и брака, патриотизма, поклонения героям и господства здравого смысла. Герой этой эпохи - жертва, слегка невротичный человек, который не вписывается в городскую жизнь под высоким давлением. Послевоенные же новеллы сатирика переходят от игривости к горечи, от женоненавистничества к мизантропии, от перемещения человека в творчестве Тербера- это побег, так как по словам Тербера, проблемы жизни в двадцатом веке не могут быть решены рационально и логично.